# Туманимиз далаларида пахта йиғим терими авжида

Жорий йилда Термиз туманидаги пахта хом ашёсини етиштирувчи фермер хўжаликлари учун барча шароитлар яратиб берилди. Натижада фермер хўжалиги далаларида мўл ҳосил олишга эришилмоқда.

Жумладан, тумандаги "Анвар Дўстлик", “Намуна қаҳрамон гавҳари”, “Зуҳриддин намуна” фермер хўжаликлари томонидан ўртача 40-45 центнер ҳосил олишга эришилди.

Айни кунларда туманимиз пахта далаларида оқ олтинни нес-нобуд қилмасдан териб олиш ишлари қизғин давом этмоқда. Теримчилар учун бепул тушликлар қилиб берилмоқда. Терим илғорлари фермер хўжаликлари томонидан алоҳида рағбатлантириб борилмоқда.